O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA’LIM
VAZIRLIGI HUZURIDAGI
“MA’NAVIYAT VA MA’RIFAT”
MARKAZI

100095, Toshkent shahar, Talabalar shaharchasi, Talabalar ko’chasi, 70
Telefon: (998-71) 246-95-43 Faks: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

“SPIRITUALITY AND EDUCATIONAL”
CENTRE UNDER THE HIGH AND
SECONDARY MINISTRY OF
EDUCATION THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN

100095,Tashkent city,Talabalar city,Street Talabalar,70
Phone:(998-71) 246-95-43 Fax: (998-71) 246-64-75
e-mail: mm.markaz@umail.uz

_____ №_____

Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига

Олий таълим муассасаларида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари Намунавий режасига мувофиқ, 2018/2019-ўқув йилининг ўттиз учинчи ҳафтасида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотлари материаллари иловага мувофиқ юборилмоқда.

Шу муносабат билан, Сиздан мазкур ҳафта давомида ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларини **“Ёшларимиз – кучимиз, қудратимиз”** мавзусида юқори савияда ўтказилишини таъминлашингиз сўралади.

(Машғулотлар вазирликнинг 2018 йил 13 сентябрдаги 87-02-2527-сонли хати орқали тақдим этилган “Ахборот ва мураббийлик соати сабоқлари” номли услубий қўлланмага мувофиқ равишда ташкиллаштирилиши лозим).

Илова: 12 бет.

Ҳурмат билан,

“Маънавият ва маърифат” маркази директори **О.А.Худайназаров**

Ижрочи: И.Чориев, markaz.mtg@edu.uz
Тел.: 246-95-43

Марказнинг 2019 йил “____” апрелдаги
_____-сонли хатига илова

“Ёшларимиз – кучимиз, қудратимиз” “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 1-босқичи материаллари.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ОЧИҚЛИГИ ВА ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА МАМЛАКАТНИНГ СТАТИСТИКА САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қарори

http://uza.uz/oz/documents/davlat-bosh-aruvining-ochi-ligi-va-shaffofligini-taminlash-a-10-04-2019

2019-2021 ЙИЛЛАРДА РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
фармони

http://uza.uz/oz/documents/2019-2021-yillarda-respublikaning-farmatsevtika-tarmo-ini-ya-11-04-2019

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЎЗ ВАҚТИДА ВА САМАРАЛИ ЎЗЛАШТИРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЯНГИ НАЗОРАТ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 апрель куни жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия ташкилотлари иштирокидаги лойиҳалар амалга оширилишини таҳлил қилиш, биринчи ярим йилликка доир вазифаларни белгилаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

***Эслатма:** Мазкур ҳафтада ўтказиладиган “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларининг 2-босқич Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ҳамда Ўзбекистонда ёшлар учун яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар, ёшлар учун жорий қилинган давлат мукофотлари тўғрисида талаба-ёшларга тушунтирилади.*

Ҳафталикнинг 3-босқичида талаба-ёшларга қатъият эгаси бўлиш фазилати ҳақида тушунча берилади, 4-босқичда – Абдулҳамид Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асари ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади. Ўқишга берилган китобларга якуний хулоса қилинади.

Кейинги йилларда вазирлар ва тармоқлар раҳбарлари ҳудудларга юборилиб, жойларда янги корхоналар ва доимий иш ўринлари ташкил этишни таъминлайдиган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича янги тизим яратилди. Инвестиция муҳитини яхшилашга қаратилган кўплаб имтиёз ва енгилликлар жорий этилди.

Хорижий давлатлар ва халқаро молия ташкилотлари раҳбарлари, жаҳоннинг етакчи ишбилармонлари билан музокаралар ўтказилиб, мамлакатимизга бир неча ўн миллиардлаб доллар инвестиция жалб этиш бўйича 700 га яқин инвестиция битимлари имзоланди.

Бундай чора-тадбирлар натижаси ўсиш суръатларида кўзга ташланмоқда. Хусусан, ўтган йили асосий капиталга инвестициялар ҳажми 18 фоиздан зиёд ўсган. Бу, ўз навбатида, саноат ишлаб чиқаришининг 14,4 фоизга кўпайишини таъминлаган.

Муҳим сифат ўзгариши шундаки, илгари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокида ҳудудий лойиҳалар деярли бўлмаган бўлса, жорий йилда ўзлаштириладиган тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг ярми ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади.

2019 йилги Инвестиция дастурига мувофиқ, жами 3 минг 200 дан зиёд инвестиция лойиҳаси доирасида қарийб 14 миллиард доллар миқдоридаги капитал қўйилмаларни ўзлаштириш режалаштирилган. Шундан 4 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш белгиланган.

Йиғилишда мазкур инвестиция лойиҳалари тармоқлар ва ҳудудлар кесимида таҳлил қилиниб, олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилди. Муддатидан кечикаётган лойиҳаларнинг муаммоли жиҳатлари муҳокама қилинди.

Биринчи чоракда белгиланган маблағлар ўзлаштирилган бўлса-да, айрим тармоқлар ва ҳудудларда иш қониқарсиз экани кўрсатиб ўтилди. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, “Ўзавтосаноат”, “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамиятлари, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси раҳбарлари, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг инвестиция бўйича ўринбосарлари огоҳлантирилди.

Давлатимиз раҳбари инвестицияларнинг ўз вақтида ўзлаштирилишини таъминлаш учун янги назорат тизимини жорий этишни таклиф қилди. Унга кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги барча лойиҳалар тўрт рўйхатга бўлиниб, алоҳида ва изчил назорат қилиб борилади.

Биринчи рўйхатга жорий йилда 3,6 миллиард доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши мўлжалланган 27 та энг муҳим стратегик лойиҳа киритилади ва у Президентнинг доимий назоратида бўлади.

Иккинчи рўйхат шу йили 1,3 миллиард доллар хорижий инвестиция ўзлаштириладиган 65 та йирик лойиҳадан иборат бўлиб, уни Бош вазир назорат қилиб боради.

Бош вазир ўринбосарлари назорат қиладиган учинчи рўйхатга 407 миллион доллар хорижий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган 65 та лойиҳа киритилади.

Тўртинчи рўйхатдаги лойиҳаларни ҳудудларга бириктирилган марказий идоралар раҳбарлари ва ҳокимлар назорат қилади.

Инвестициявий лойиҳалар ижроси доимий равишда муҳокама қилиниб, муаммолар тезкорлик билан ҳал этиб борилади.

Президент тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш борасида имкониятлар тўлиқ ишга солинмаганига эътибор қаратиб, тармоқлар ва ҳудудларга оид янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ вазирликлари билан биргаликда нефть-газ, кимё, энергетика, қурилиш материаллари, машинасозлик, электр техникаси соҳаларида, шунингдек, ҳудудларда мавжуд салоҳият ва ресурслардан келиб чиқиб, ҳар бир туман ва шаҳар бўйича қўшимча инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шакллантирилган ушбу таклифлар асосида мамлакатимизнинг элчихоналари билан биргаликда юртимиз ва хорижда бизнес-форумлар ташкил қилиш, маҳаллий инвесторларнинг мақсадли тақдимотларини ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистон билан ишлаш истагини билдирган хорижий инвесторлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, лойиҳанинг бошидан охиригача уларга ёрдам бериш, оддий қилиб айтганда, уларни “қўлидан етаклаб” натижани таъминлаш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда Тошкент шаҳрига сармоя жалб этишни кенгайтириш, инвестиция лойиҳалари учун ер участкалари ва давлат мулки объектлари бериш борасидаги ишлар ҳам муҳокама қилинди. Пойтахтимиз тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича барчага ўрнак бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳудудлар ва тармоқларда лойиҳаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиш, юзага келган муаммоларни тезкор аниқлаб, ҳал этиш бўйича электрон ахборот тизимини қисқа муддатда ишга тушириш зарурлиги қайд этилди.

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги ишлар таҳлил қилинар экан, ижтимоий соҳалардаги лойиҳалар аҳоли турмуши учун муҳимлиги, улар ўз муддатида ва сифатли амалга оширилиши кераклиги таъкидланди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 4 та, Сув хўжалиги вазирлигида 4 та, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигида 3 та лойиҳа бўйича ишлар кечикаётгани кўрсатиб ўтилди.

Бундай лойиҳаларни мувофиқлаштиришни такомиллаштириш учун Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси каби халқаро молия институтлари билан бевосита ишлайдиган вазирлик ва идоралар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишида олий даражадаги ташрифлар якунига кўра тасдиқланган “йўл хариталари” ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Маълумки, улар доирасида 700 га яқин инвестиция битими имзоланган. Ҳисоб палатаси томонидан келишувларнинг маълумотлар базаси яратилган, уларнинг ижроси бўйича мониторинг ва назорат ўрнатилган.

Президентимиз “йўл хариталари”даги чора-тадбирларни тез ва изчил амалга ошириш, бу борада ҳукуматлараро комиссиялар фаолиятини жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасига ҳар бир давлат билан ҳамкорлик йўналишларининг асосий хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳукуматлараро комиссиялар таркибини қайта кўриб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кейинги йилдан бошлаб инвестиция дастурлари уч йиллик қилиб шакллантирилиши, барча тармоқлар ва ҳудудлар бунга тайёргарликни бугундан бошлаши зарурлиги таъкидланди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда бўлиб турган нуфузли делегацияни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

Жорий йил март ойида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди.

Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодиётнинг турли тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви ва инновацион ривожланиш соҳасидаги илғор тажрибасини жорий этишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди

Мамлакатларимиз экспертлари ҳамкорлигида устувор йўналишларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Вазир самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валиаҳди, БАА Қуролли Кучлари Олий бош қўмондони ўринбосари Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Муҳаммад ал-Қарқовий Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни юксак баҳолаб, Бирлашган Араб Амирликлари

раҳбариятининг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҚШНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ЯРАШИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзодни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, очиқ мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этди.

Турли даражадаги фаол мулоқот, конструктив сиёсий ҳамкорлик, парламентлараро изчил алоқалар, янги қўшма савдо ва инвестиция лойиҳалари, кенгайиб бораётган гуманитар алмашинув – буларнинг барчаси Ўзбекистон ва АҚШ стратегик шериклигида янги давр бошланганидан далолат беради.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни ҳал этишда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболларига баҳо берилди.

Президентимиз Ўзбекистон Афғонистон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда барқарорлик ўрнатилиши ва иқтисодиёт қайта тикланишига амалий ҳисса қўшиш тарафдори эканини таъкидлади.

Афғонистонда тинч сиёсий жараённи бошлашда афғон халқининг бош ролини назарда тутган ҳолда халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Ҳалилзод самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпеонинг саломини етказди.

Махсус вакил мамлакатимизнинг Афғонистон халқига ҳар томонлама, жумладан, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали ёрдам беришга қаратилган сиёсатини юксак баҳолади.

АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик музокараларига кўмаклашиш борасидаги конструктив саъй-ҳаракатларини, хусусан, Афғонистон ҳукумати вакиллари иштирокидаги мулоқотнинг навбатдаги даврасини Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаши таъкидланди.

Бундан ташқари, жорий йилда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича саккизинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RECCA VIII) вазирлар учрашувининг ўтказилиши қўшни давлатларга Афғонистоннинг тинч ривожланишига кўмаклашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЭЛЧИЛАРИДАН ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни Ўмон Султонлиги, Қирғизистон Республикаси, Туркия Республикаси, Индонезия Республикаси ва Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Аҳмад бин Саид ал-Касирий, Ибрагим Жунусов, Меҳмет Суреййа Эр, Сунарио Картадината ҳамда Дархан Сатибалдидан ишонч ёрлиқларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари элчиларни самимий табриклаб, уларга масъулиятли дипломатик миссияни бажаришда муваффақиятлар тилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг барча жабҳаларида демократик давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва либераллаштиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Хусусан, 2019 йил мамлакатимизда «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб эълон қилингани муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида ҳам туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бугун халқаро майдонда мамлакатимизга очиқ, ишончли ва истиқболли ҳамкор сифатида қаралмоқда.

Ташқи ишлар вазирлиги фаолияти такомиллаштирилмоқда, ташқи сиёсатнинг иқтисодий йўналиши салмоқли даражада кучайди. Бугунги кунда Ўзбекистон элчилари савдо, инвестиция ва туризм масалалари билан фаол шуғулланмоқда.

Асосий эътибор Марказий Осиё давлатлари билан анъанавий дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилмоқда. Очиқ ва конструктив мулоқот йўлга қўйилгани туфайли минтақада ўзаро ишонч ва англашув муҳити шаклланиб, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалаларни ҳал этишда катта натижаларга эришилди.

Айни пайтда Ўзбекистон бошқа мамлакатлар билан ҳам ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни жадал ривожлантирмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ишонч ёрлиқларини топшириш маросимидаги нутқида янги элчилар вакили бўлган давлатлар билан кўп қиррали ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва Ўмон Султонлигини дўстлик ва муштарак диний қадриятлар боғлаб туриши таъкидланди.

Биз Ўмонни ўз минтақасида ва араб-мусулмон оламида муносиб ўринга эга, чуқур ўйланган ташқи сиёсат олиб бораётган мамлакат сифатида эътироф этамиз, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ва Ўмон ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш ҳамда уларни тизимли ва узоқ муддатли асосда ривожлантиришга интилаётгани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, фан-техника соҳаларидаги ҳамкорликни, таълим йўналишидаги алоқаларни фаоллаштириш муҳимлигига эътибор қаратди.

Ўзбекистон ва Қирғизистонни кўп асрлик анъанавий дўстлик, қардошлик ва ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради.

Президентимиз кейинги йилларда давлат раҳбарлари даражасида очиқ ва ишончга асосланган мулоқот ўрнатилгани, Ўзбекистон – Қирғизистон стратегик шериклик муносабатлари жадал ривожланаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Фаол парламентлараро муносабатлар, ҳудудлараро алоқалар йўлга қўйилди, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва маданий-гуманитар алмашинувлар кенгайиб бормоқда.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли шериклик бундан буён ҳам изчил мустаҳкамланиб боришига ишонч билдирилди.

Туркия катта сиёсий, иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат. Кейинги пайтда Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикасининг ўзаро ҳурматга асосланган кўп қиррали алоқалари стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда Туркияга давлат ташрифи ҳамда Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг ўтган йили Ўзбекистонга давлат ташрифи ҳамкорликни мутлақо янги босқичга олиб чиқди.

Бугунги кунда савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда олий даражадаги Ўзбекистон – Туркия стратегик шериклик кенгаши биринчи йиғилишининг ўтказилиши кўп қиррали муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилиши таъкидланди.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жануби-Шарқий Осиёдаги анъанавий ишончли ҳамкори. Халқларимизни маънавий-диний қадриятлар муштараклиги боғлаб туради.

Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми ўсиб бормоқда, турли тармоқларда, жумладан, зиёрат туризми соҳасида қўшма дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари яхши қўшничилик, мустаҳкам дўстлик ва қардошлик ришталарига асосланган. Мамлакатларимиз ҳар томонлама ҳамкорликни фаол ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистоннинг Биринчи Президенти Нурсултон Назарбоев билан ўрнатилган ишончли ва самимий мулоқотни алоҳида қайд этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг жорий йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга амалга оширадиган биринчи давлат ташрифи стратегик шерикликни изчил кенгайтиришга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Президентимиз янги тайинланган элчилар профессионал ва ҳаётий тажрибаси, бой билими билан мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган дипломатик фаолиятини муваффақиятли амалга оширишига умид билдирди.

Ўз навбатида, элчилар самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорлик ва самарали шерикликни янада ривожлантиришга бор куч-ғайратларини сафарбар қилишини қайд этдилар.

МАҚСАДИМИЗ – ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН БАРЧА СОҲАДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 апрель куни қатор хорижий давлатлар элчиларидан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди. Тантанали маросим доирасида элчилар ўз фикрлари билан ўртоқлашди.

Аҳмад бин Саид ал-КАСИРИЙ, Ўмон Султонлигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Бугун Президент Шавкат Мирзиёевга мамлакатимизнинг Ўзбекистондаги элчиси ишонч ёрлиғини топшириш шарафига муяссар бўлдим. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистондаги миссиямиз давомида ҳеч қандай протоколсиз, бевосита вазирлик ва идоралар билан ишлашимиз бўйича тавсиялар берди. Давлатингиз раҳбарининг тавсияларидан беҳад мамнунмиз.

2018 йил июль ойида Султонликда Ўзбекистон элчихонаси очилди. Ўзбекистоннинг юртимиздаги дипломатик миссияси билан самарали ҳамкорлик қиламиз. Фаол сиёсий мулоқот ҳамкорлик йўналишларидан бири бўлиб, мамлакатларимиз кўплаб масалалар бўйича ўхшаш қарашларга эга.

Шунингдек, биз савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантирамиз. Зиёрат туризми борасида ҳам Ўзбекистон улкан салоҳиятга эга. Мақсадимиз бу соҳадаги муносабатларни ривожлантириш. Бундан ташқари, яқин келажакда савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича комиссия ташкил этишни режалаштирдик. Ўмон Султонлигининг Ўзбекистондаги элчиси сифатида мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш йўлида барча саъй-ҳаракатларни амалга ошираман.

Ибрагим ЖУНУСОВ, Қирғизистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Қирғизистон – Ўзбекистон муносабатлари узоқ тарихга эга. Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, икки-уч йил олдин тасаввур қилиш имкони бўлмаган ишлар бугун амалга ошмоқда. Давлатларимиз раҳбарлари олдимизга ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 500 миллион АҚШ долларига етказиш вазифасини қўйган. Биз бу маррани қўлга киритиш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

Назорат-ўтказиш пунктлари очилгани, маданий-гуманитар алоқалар ривожланаётгани халқларимизнинг яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамламоқда. 4 ой аввал Ўзбекистонда Қирғизистон маданияти кунлари ўтказилди. Эндиликда Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ташкил этишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Давлатингиз раҳбари билан учрашувимизда ўзаро алоқаларни янги мазмун билан бойитиш юзасидан фикр алмашдик. Ўйлаймизки, Қирғизистон – Ўзбекистон ҳамкорлиги мустаҳкамланиб бораверади.

Меҳмет Суреййа ЭР, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Ўзбекистондек тарихий ва маданий ришталаримиз мустаҳкам боғланган ва биз қардош деб билган юртга элчи бўлиш катта шараф. Шукрлар бўлсинки, ушбу шарафли вазифа менга насиб этди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил октябрь ойида Туркияга, Президент Режеп Таййип Эрдўғоннинг 2018 йил 29 апрель – 1 май кунлари Ўзбекистонга ташрифлари мамлакатларимиз муносабатларида янги саҳифа очди. Биз Ўзбекистон томонининг Туркия делегациясига кўрсатган унутилмас меҳмондўстлигини катта мамнуният билан эслаймиз.

Президентимизнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида тузилиши келишиб олинган Стратегик шериклик олий кенгаши муносабатларимизни ўзаро манфаат асосида илғор даражага чиқаришига ишонамиз. Сиёсий алоқаларимиз мукаммал экани барча соҳадаги муносабатларни янада ривожлантиришда муҳим имконият яратмоқда.

Юртимиздаги 80 миллионли аҳоли ота юрт деб қабул қилувчи Ўзбекистонга нисбатан чуқур муҳаббатни ўзим билан олиб келдим. Туркияликлар юраги қардош Ўзбекистоннинг муваффақияти, ҳаёти осойишта ва фаровон бўлиши учун уриб турганини билишингизни хоҳлардик. Ўз вазифамни ўташимда Ўзбекистон ва қардош ўзбек халқининг қўллаб-қувватлашини доимо ҳис этишимизга ишонаман.

Сунарио КАРТАДИНАТА, Индонезиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Авваламбор Индонезия Президенти ва халқининг саломи ва эзгу тилакларини Ўзбекистон Президенти ва халқига етказишни истардим. Индонезия билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Биз дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва тараққий эттириш истагидамиз. Зеро, Индонезия билан Ўзбекистон икки ва кўп томонлама алоқаларни ривожлантиришда якдил қарашларга эга.

Айни пайтда Тошкент – Жакарта – Тошкент тўғридан-тўғри ҳаво қатновини йўлга қўйиш масалалари юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Бу туризмни янада ривожлантиришга, халқларимиз ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни тараққий эттиришга, товар айирбошлаш ҳажмини оширишга улкан ҳисса қўшади. Бу лойиҳани тез кунларда ишга тушириш ниятидамиз.

Дархан САТИБАЛДИ, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси:

– Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида яқин ва дўстона алоқалар йўлга қўйилган. Сўнгги бир неча йилги рақамларга назар ташласак, мамлакатларимиз товар айланмаси ҳажмини 3 миллиард АҚШ долларига етказишга эришилди. 2020 йилга келиб бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказишни мақсад қилганмиз ва бу борада фаол иш олиб борилмоқда.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14 апрель куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келади. Бу давлатимиз раҳбарининг илк хорижий сафарларидан бўлиб, мамлакатларимиз муносабатлари нечоғли яқинлигидан далолат беради. Ташриф доирасида Ўзбекистонда Қозоғистон йилининг расмий очилиш маросими ўтказилади. Ўйлайманки, мазкур йил ҳам ўзаро муносабатларимизни янги босқичга кўтарган йил сифатида қардош халқларимиз ёдида муҳрланиб қолади.